БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 9 (4000).

14 ЯНВАРЬ СЕШАНБА 1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



РИГА. Комсомол набережнийси.

В. Кунов фотоси.



РИГА. Театр кўчаси.

Ю. Пойш фотоси.

## ЛАТВИЯ ССР 50 ЁШДА

### ЛАТВИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЛАТВИЯ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ЛАТВИЯ ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети республика ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини улуғ воқеа билан — Латвия Совет Социалистик Республикаси эълон қилинганлигининг эллик йиллиги билан қизғин қутлайдилар.

Латиш ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлари Ленин партияси раҳбарлигида Россия пролетариати ва меҳнаткашлар оммаси билан бирга Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун актив курашдилар, қўлга қурол олиб, Советлар ҳокимиятини чет эл интервенциячиларидан ва ички синфий душманлардан ҳимоя қилдилар. Латиш қизил ўқчилари революцион жанглар йилномасига ёрқин саҳифа ёздилар.

1919 йилнинг январида барпо қилинган Латвия Совет Республикаси Совет ҳукуматнинг ва бевосита Владимир Ильич Ленининг мададига таяниб, муҳим социалистик ўзгаришларни амалга оширган эди. Латиш халқи социал ва миллий зулмдан озод бўлиб, социалистик давлат соҳиби бўлиб қолган эди. Лекин ўша вақтдаги халқаро контрреволюция ва реакцион миллатчи буржуазия ёш совет республикасини бостиришга муваффақ бўлди.

Латвия ишчилар синфи, меҳнаткашлари ўз авангарди бўлган коммунистлар раҳбарлигида ва қаттиқ террор, репрессиялар шароитида Совет ҳокимиятини қайта тиклаш учун курашни давом эттира бердилар. Бу мардонавор кураш Совет Иттифоқининг интернационал мадади туфайли буржуа диктатурасини агдариб ташлаш билан якунланди. 1940 йилда меҳнаткаш халқ ҳокимияти яна тантана қилди ва Латвия Совет Социалистик Республикаси Совет Иттифоқининг қардош республикалари оиласига кирди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Латвия меҳнаткашлари социалистик ғалабаларни фидокорона ҳимоя қилдилар. Республиканинг мингминглаб ўғил ва қизлари Совет Армияси сафида туриб фашизмга қарши, ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жанг қилдилар.

Социализм шароитида Совет Латвияси ишлаб чиқарувчи кучларни ва халқнинг маънавий турмушини мислсиз ривожлантиришга муваффақ бўлди, саноати юксак даражада ривожланган, интенсив қишлоқ хўжалигига, илғор фан ва маданиятга эга бўлган республикага айланди. Латвияда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш урушдан олдинги даражадагига нисбатан 22 баравар кўпайди. Колхоз тузуми қишлоқдаги социал-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартирди. Колхоз ва совхозлар экономикаси йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда, далаларнинг ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлиги ўсиб бормоқда. Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг моддий фаровонлиги тўхтовсиз ошиб бормоқда. Республика КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга оширишда, мамлакатимизда коммунизм қуришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Латвия ССРнинг Совет ҳокимияти йилларида равнақ топганлиги социалистик тузумнинг афзалликларини, ленинча миллий сиёсатнинг зўр ҳаётий кучини, Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлигини ва қардошларча ҳамкорлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Латиш халқининг хўжалик ва маданий қурилишдаги ютуқлари оммаларнинг жанговар авангарди ва ташкилотчиси бўлган, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, марксизм-ленинизм ғояларинга садоқат руҳида тарбиялаётган Латвия Коммунистик партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Латвия ССРнинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини амалга ошириш йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилаберадилар, Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигини янги ютуқлар билан нишонлайдилар, деб ишонадилар.

Яшасин Латвия Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин КПССнинг жанговар отряди бўлган Латвия Коммунистик партияси!

Яшасин мамлакатимиздаги коммунизм қурилишининг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлган ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ССР ИТТИФОҚИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ

Тошкентдаги учрашувларнинг ва Тошкент декларацияси имзоланганлигининг уч йиллиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Ҳиндистон бош министри Индира Гандига ва Покистон Президенти фельдмаршал Айюбхонга мактублар йўллади.

Бу мактубларда Тошкент декларациясининг имзоланганлиги Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги жанжалли масалаларни бартараф этишнинг ижобий намунасидир, деб таъкидлаб ўтилади. Совет Иттифоқи тинчликсевар ташқи сиёсатнинг ленинча принципларига содиқ бўлиб, Тошкент декларациясини амалга ошириш ишидаги бундан буёнги тараққиётни табриклайди, деб кўрсатилади мактубларда.

Ҳиндистон бош министри Индира Ганди СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга мактуб юборди. Мактубда бундай дейилади: Тошкент декларацияси Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан икки томонлама музокаралар олиб бориш воситасида ҳал қилиш учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилади.

## Мамлакатнинг янги валюта цехи

Қурама тизма тоғи этагида жойлашган янги Қочбулоқ посёлкасидан хушхабар олинди. «Ўзбекшахтострой» қурувчилари ва монтажчилари ватанга ҳақиқатан олтин туҳфа инъом этдилар. Ўзбекистондаги олтин қазиб чиқариш саноатининг тўнгичи бўлган Қочбулоқ конини очиш ишлари тугалланди ва у фойдаланишга топширилди.

Қурама тоғлари халқ учун яна бир хазина очиб берди. «Оқ олтин» билан шухрат қозонган республикамиз шуҳратига янги валюта цехи — энди нодир металл — ўзбеклар диёрининг дастлабки олтинини ҳам қўшади. Кон билан ёнма-ён маданий-маиший муассасалар комплексига эга бўлган ишчилар посёлкаси қад кўтарди.

Олтин қазиб чиқарувчиларнинг янги отряди В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайди. (ЎзТАГ).

# БАРАКАЛИ МЕҲНАТ—КАТТА ДАРОМАД

Дарҳақиқат, деҳқоннинг хазинаси ер. Инл ўн икки ой у катта ният билан билак қувватини ерга тўкиб астойдил меҳнат қилади. Шу йўлда рўй берган қийинчиликлар билан беллашади.

Калинин районидаги юқори ҳосилли хўжаликлардан бўлган «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози сабзаводткорлари ҳам ана шундай улуғ ниятли деҳқонлардир.

1968 йилги мураккаб шароитда ҳам колхоз деҳқонлари сабзавот экинлари парваришини шароитга мослаб олиб борганликлари туфайли мўл-кўл маҳсулот етиштирдилар. Шаҳар меҳнаткашларига сабзавотнинг ўзидан колхоз планда белгиланган 3521 тонна ўрнига 3708 тонна ҳар хил ноз-неъмат етказиб берди. Ҳар гектар ердан планда кўрсатилганидан 8—10 центнердан кўп сабзавот маҳсулотлари йиғиштириб олди.

Мавжуд 906 гектар майдондаги экин баҳордан усталик билан парвариш қилинди. Озиқлантириш, суғориш ва культивация қилиш ишлари уюшқоқлик билан бир-бирига боғлаб олиб борилди.

Натижада кузга келиб, сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Колхозда пиёз, бодринг, помидор етиштириш ҳар гектар ердан планда белгиланганидан 20—25 центнердан ошириб юборилди. Биргина пиёздан планда кўрсатилганидан 115 тонна, бодрингдан 31 тонна, лавлагидан эса 780 тонна кўп ҳосил етиштирилди.

Кейинги йилларда колхоз деҳқонлари қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини, айниқса сабзавотчиликни ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқдалар. Биринчи навбатда, ерларнинг унумдорлигини ошириш, тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш учун, астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Сабзавот экинларига сифатли ишлов беришда, ҳосилдорлигини оширишда техникадан моҳирлик билан фойдаланишяпти. Техникага чинакам ихлос қўйган колхознинг звено деҳқонлари тобора кўп ҳосил кўтаришга эришмоқдалар.

Айниқса, колхознинг Собир Самиров бошлиқ звено деҳқонлари ўтган йили астойдил меҳнат қилиб, эл дастурхонига мўлжалдаги 1504 тонна ўрнига 2818 тонна ноз-неъмат етказиб берди. Шунингдек, колхознинг Қудрат Абдуллаев, Мақсуд Маҳмудов, Эркин Тожибоев бошлиқ звено сабзаводткорлари ҳам об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, йиллик ҳосил топшириш планини 120—130 процентдан ошириб адо этдилар.

Маълумки, кейинги йилларда шаҳар меҳнаткашларининг картошкага бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда. Шу сабабли колхоз деҳқонлари картошкадан олинадиган ҳосилдорликни кўтаришнинг барча тадбирларини амалга оширмоқдалар. Картошка уругини ерга қадашдан тортиб, то ишлов бериш, суғориш, чопиш ишларигача агротехника фанига мувофиқ олиб борилганлиги туфайли колхозда картошкадан мўл ҳосил етиштирилди.

Колхоз деҳқонлари йил бошида 186 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 125 центнердан картошка етиштиришни планлаштирган бўлсалар, йил охирига келиб, ҳар гектар ердан 141 центнердан картошка ҳосили етиштирилди. Жами планда белгиланган 2325 тонна картошка ўрнига 2633 тонна картошка йиғиб олинди.

Колхознинг уста сабзаводткор Тўхтамурод Эргашев бошлиқ участка деҳқонлари бу йилги шароитда ҳам катта жасорат кўрсатиб меҳнат қилдилар. 129 гектар майдонда планда белгиланган 2704 тонна ўрнига 3213 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириб, ҳосилдорликни оширишда колхозда энг пешқадам бўлиб қолди. Қулаҳмад Нигматов, Мирзааҳмад Маҳмудов бошлиқ участка сабзаводткорлари ҳам йиллик топшириқни 1,5 ҳисса ортиғи билан адо этдилар. Бу участка деҳқонларига яқинда коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном берилди.

Колхозда 1969 йил ҳосили учун тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

### ЙИЛИМИЗ ЯКУНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

— Сабзавотдан мўл ҳосил кўтаришнинг зарур тадбирларидан бири маҳаллий ва минерал ўғитларни жамғаришдир,— дейди колхоз раиси Турғун Мирзаев.— Ҳозиргача деҳқонларимиз далага 1200 тоннадан ортиқ минерал ва маҳаллий ўғит чиқариб қўйдилар. Шу билан бирга айни кунларда ер шароитини яхшилаш, тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш учун кураш олиб борилянти.

Олдинлари карта ўрталаридан кесиб ўтган эски ариқ-зовурларга эътибор берилмай келинар эди. Ўтган йили ана шу кераксиз ариқларни текислаш ҳисобига колхозимиз майдонига 10 гектар ер қўшилди. Бундан ташқари бу йил редиска, карам, укроп каби айрим сабзавот экинларини майдонларга расад қилинади. Бу экинлар шундай қилинганда ҳосилдорлиги бир-бир ярим баравар ошар экан.

Колхозда амалга оширилаётган бу тадбирлар билан бирга ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп. Масалан, техника ремонти, ариқ-зовурларни тартибга солиш, майдонларни экин экишга ҳозирлаш соҳасида анчамунча ишлар бажарилиши лозим.

Кейинги йилларда чорвачилик соҳаси хўжаликнинг асосий тармоқларидан бўлиб қолди. Колхоз чорвадорлари фан ютуқлари ва илғорлари тажрибасини муттасил ишлаб чиқаришга жорий қилмоқдалар. Шу сабабли чорва маҳсулотлари етиштириш тобора кўпаймоқда. Бирор йил йўқки, сут-товар фермасининг коллективи топшириқни муддатидан илгари ортиғи билан бажармаётган бўлсин.

Колхоз чорвадорлари ўтган йили давлатга планда белгиланган 40 тонна ўрнига 55 тоннага яқин гўшт, 672 тонна серқаймоқ сут етказиб бердилар. Фермадаги 250 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3200 килограммдан сут олиниб, бу соҳадаги план ошиғи билан адо этилди. Ҳар юз бош сигирдан планда белгиланган 208 бош ўрнига 218 бошдан бузоқ олинди.

Ферма коллективи қиш тадбирларини ёзда кўриб қўйган эди. Ҳамма сигирларга қиши билан етадиган ем-ҳашак жамғариб қўйилганди. Бу ишда фермaнинг Рихсихўжа Низомов бошлиқ комплекс механизациялашган чорвачилик звеноси ғайрат кўрсатди. Звенога қарашли 58 гектар майдондан планда белгиланган 2084 тонна ўрнига 2994 тонна озуқа, планда-гидан 800 тонна кўп силос, 750 тонна лавлаги, 618 тонна дағал ҳашак, 90 тонна ем жамғариб қўйилди.

Ферма коллективи Ўзбекистон Олий Советининг депутати Мунаввар опа Исоқованнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Мунаввар опанинг 1968 йилги соғиб олган сути 335 тоннадан ошиб кетди. Ҳар бир сигир бошига 3250 килограммдан тўғри келади. Сиғирлардан кўп сут соғиб олишда Қутби Болтабоева, Рихси Ҳайитова, Валида Мусаевалар ҳам Мунавар опадан қолишмаяпти. Қутби опа ўзига қарашли 89 бош сигирдан 330 тоннадан ошириб сут соғиб олиб, йиллик планни ортиғи билан бажарди.

Чорвачилик катта даромад келтираяпти. Йил бошида бир центнер сутнинг таннархи 16 сўм 63 тийинга мўлжалланган эди. Озуқани тежаб-тергаб сарфлаш орқасида дастлабки ҳисоб-китоб шуни кўрсатдики, бир центнер сутнинг таннархи 22 тийин арзонлашди. Колхоз ана шу ҳисобга 4437 сўм соф фойда олди.

Колхозда сабзавот экинларидан олинадиган ҳосилдорликнинг ошиши, чорвачиликдан келадиган даромаднинг йил сайин кўтарилиб бориши ҳисобига хўжалик, бойиб, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб бормоқда.

1968 йили колхоз планда белгиланганидек, 1 миллион 163 минг сўм даромад қилиши керак эди. Сарф-ҳаражатнинг тежаб-тергаб сарфланиши туфайли, дастлабки сарҳисобга қараганда, колхоз 1 миллион 600 минг сўм даромад қилди. 431 минг сўм соф фойда олди. Колхоз биргина картошканинг ўзидан 24 минг сўм соф фойда олишга эришди. Колхозчиларнинг кунлик иш ҳақи йил бошида бир киши кунига 2 сўм 60 тийиндан белгиланган эди. Ҳозир эса 4 сўм 23 тийинга тўғри келмоқда.

— Хўжалигимиз меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилини ҳамма соҳаларда қувончли натижалар билан якунлади, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Наби Саидов. — Улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг юз йиллигини муносиб кутиб олиш ва КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумни қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган деҳқонларимиз ўртасида ўзаро социалистик мусобақа авж олиб кетди. Колхозимиз правленнеси ва партия ташкилоти бу мусобақада ғолиб чиққан кишиларга колхознинг Ленин мукофотини беришга қарор қилди.

Колхоз деҳқонларининг 1969 йил ҳосили учун кураши кундан кун авж оляпти.

З. МУҲАММАДЖОНОВ, Н. ТЎРАЕВ.

## ТАЖРИБА ЎРГАНМОҚ УЧУН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШДИ

Пахта йиғим-терими кампаниясида «Ўзбекистон» маркали янги тўрт қаторли машинада ишлаган илғор механизаторларнинг тажрибасини ўрганмоқ учун Озарбайжон ССР колхоз ва совхозларидаги пахта териш комбайнлари механик ҳайдовчиларидан қирқдан ортиқ киши Ўзбекистонга келди. Бир ойга мўлжалланган ўқув программасига мувофиқ Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози бориб кўрилади, қишлоқ хўжалик техникасининг ремонти ва уни асраш қандай ташкил этилганлиги билан, янги машиналардан унумли фойдаланиш тажрибаси билан танишилади. Меҳмонлар республикадаги қишлоқ хўжалик машинасозлигининг бир қанча корхоналарида бўладилар, олимлар, конструкторлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, машинада пахта териш илғорлари билан учрашадилар. (ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг қиш шароитидаги ишини оммавий текширишга киришди.

Текшириш комиссиялари ва бригадаларига халқ контролёрлари ва контроль органларининг ходимлари билан бирга маҳаллий Советларнинг депутатлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари, халқ хўжалиги мутахассислари ҳам киритилган.

Тошкент, Чирчиқ, Бекобод, Олмаликда, Тошкент областининг бошқа шаҳар ва қишлоқларида рейд бригадалари ишга киришди. (ЎзТАГ).

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхоз механизаторлари техника ремонтини уюшқоқлик билан бошлаб юборган эдилар. Ҳар бир трактор, машина ва механизмни тез ва соз ремонтдан чиқариш учун ўзаро мусобақа авж олдирилди. Натижада колхознинг қишлоқ хўжалиги техникаси муддатидан анча илгари кўкламги мавсумга тахт қилиб қўйилди. Суратда: кўкламги экиш кампаниясига тайёрлаб қўйилган агрегатлар.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ).

## ОБЛАСТЬ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

ПАРКЕНТ, («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Баҳаво, табиат манзараларига бой бўлган «Кумушкон» дам олиш уйида область пиллачиларининг семинари бўлиб ўтди. Семинар 12 кун давом этди.

Семинарда район пиллачилик идораларининг директорлари, агрономлари, пунктларнинг лаборантлари қатнашдилар. Улар тутчиликни ривожлантириш, қабул пунктларида меҳнатни ташкил этиш, янги агрегатлардан унумли фойдаланиш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш, тут баргини тежаб-тергаб сарфлаш, навдаларни қайчи билан қирқишнинг афзалликлари, тутчиликда минерал ўғитлардан фойдаланиш ҳақидаги лекцияларни тингладилар.

Калинин район пиллачилик идорасига қарашли Қорасув пунктининг лаборанткаси А. Молодих ҳосилни навларга ажратиб қабул қилиб олишдаги тажрибасини ўз ҳамкасбларига сўзлаб берди. Янгийўл, Калинин районлари пиллачилик идораларининг агрономлари А. Тарасенко, Қ. Исмонлов ўртоқлар ипак қурти боқишда звено принципининг устунликларига тўхталиб, ҳамма колхоз ва совхозларда ишни шу асосда кенг йўлга қўйиш кераклигини таъкидладилар. Ипакчилик илмий-текшириш институтининг ходимлари ҳам семинар ишида фаол қатнашиб, пиллачиликни ривожлантиришга оид анчагина лекциялар ўқидилар, суҳбатлар ўтказдилар.

Семинарнинг якунловчи машғулоти ҳам мазмунли ўтди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### Р. Х. ҲАМРОЕВГА СССР ХАЛҚ АРТИСТИ ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет театр санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Мукимий номидаги ўзбек музикали драма ва комедия театрининг бош режиссёри Раззоқ Ҳамроевич Ҳамроевга СССР халқ артисти Фахрий унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1969 йил, 10 январь.

# ШАҲАР ВА РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

## БЕКОБОД

Партия мажлиси — коммунистларнинг тарбия мактабидир. Ҳар бир коммунист мажлисда сўзга чиқиб, ўзини қизиқтирган масалалар тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдириши мумкин. Ана шунда партия мажлисининг мазмунли ва қизиқарли ўтишига эришилади. Бироқ бунинг учун эса партия мажлисига олдиндан пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади.

Бекобод шаҳар партия комитетининг бўлиб ўтган бюроларидан бирида худди ана шу масала кўрилди.

Шаҳардаги бошланғич ва цех партия ташкилотларида мажлисларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тажрибалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда шаҳар партия комитетининг инструктори В. Д. Оршевский ахборот берди.

Шаҳардаги бир қатор корхоналар, жумладан, цемент-комбинати ва цемремонт заводлари, Фарҳод ГЭСи ҳамда 11-, 10-мактабларнинг бошланғич партия ташкилотлари партия мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш соҳасида ибратли иш қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам уларда мажлислар қизиқарли ва мазмунли ўтади.

Лекин, айрим ташкилотларда партия мажлисининг тарбиявий-ташкилотчилик, сафарбарлик аҳамиятига етарли эътибор берилмайди.

Бюро қарорида бу соҳадаги камчиликларга барҳам бериш ва партия мажлисларининг ролини ҳар жиҳатдан ошириш тадбирлари белгиланди.

Ўша кунги бюрода яна бир муҳим масала — корхона ва муассасаларда социалистик мусобақанинг йўлга қўйилиши, коммунистик меҳнат ҳаракатини авж олдириш соҳасида кўрилаётган тадбирлар ҳам муҳокама қилинди. Бу ҳақда шаҳар партия комитети саноат бўлимининг мудири В. К. Нечаев, Ўзбекистон металлургия заводи касаба союз комитетининг раиси Ҳ. Ғаппев, ўртоқларнинг ахборотлари тингланди.

## ЧИРЧИҚ

Партия сафларини энг муносиб кишилар ҳисобига тўлдириб бориш, ёш коммунистлар билан ишлашни тинмай яхшилаш партия ташкилотларининг жанговар бурчидир.

Чирчиқ шаҳар партия комитети бу соҳада муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Бу ҳақда шаҳар партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюросида ҳам кўпгина фойдали фикрлар билдирилди.

Бошланғич ва цех партия ташкилотларининг партия сафларини тўлдириш соҳасида олиб бораётган ишлари муҳокама қилинган бу бюрода айрим корхона партия ташкилотларининг ҳисоботлари эшитилди.

Ўтга чидамли металлар ва қаттиқ қотишмалар заводида ўтган йили 27 киши КПСС аъзолигига қабул қилинган. Бюрода завод партия ташкилотнинг бу соҳадаги тажрибаси маъқулланди.

Бироқ, «Чирчиксельмаш» заводида ёш коммунистлар билан ишлаш қониқарли эмас. Партия комитетининг секретари В. Г. Опишенконинг айтишига қараганда, 1968 йилда КПСС аъзолигига кандидатликка ўн тўрт киши қабул қилинган, холос. Улкан корхона учун бу оз, албатта. Чунки бу ерда партия сафига ўтишни истайдиган ишлаб чиқариш илғорлари кўплаб топилади.

Ҳар икки заводда ҳам ёш коммунистлар билан ишлашда барча имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти, деб бўлмайди. КПСС аъзолигига қабул қилинганлар орасида комсомол-ёшлар ва хотин-қизлар жуда озчиликни ташкил қилади.

Шаҳар партия комитети бюроси партия сафларини ўстириш, ёш коммунистлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

## ЯНГИЙЎЛ

Янгийўл. Район партия комитетида марксизм-ленинизм асослари мактаблари пропагандистларининг бир кунлик семинари бўлиб ўтди.

Семинарда КПСС тарихининг айрим темаларини ўтиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири С. Бекенов марксизм-ленинизм асослари мактабларида меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш ғояларини тарғиб қилиш, райком ходими ўртоқ С. Азимова эса ўқув ишларини планлаштиришни йўлга қўйиш ҳақида доклад қилдилар.

Пропагандистлар В. И. Ленин яшаган жойларда бўлган «Янгийўл» туристик поезднинг бошлиғи, район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Б. Тошматовнинг таассуротларини зўр қизиқиш билан эшитдилар.

Семинар машғулотларидан сўнг моҳир пропагандистларга мукофотлар топширилди.

Калинин номли колхоздан А. Хўжаев, Свердлов номли колхоздан пропагандист Л. Охунов, район партия комитети сиёсий хонасининг кутубхоначиси Р. Аминова ўртоқлар область партия комитетининг фахрий ёрлиқлари билан, Х. Турсунқулов номли колхоздан И. Рашидов, «Узсельхозтехника»нинг Янгийўл ва Чиноз бўлимларидан В. Квятковский ва А. Ким, Чиноздан Б. Зайниддинова ўртоқлар эса район партия комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

# БАРАКАЛИ ЯКУН

## ОБЛАСТИМИЗ САНОАТЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш ва доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга интилаётган Тошкент шаҳар ва область меҳнаткашлари беш йиллкнинг учинчи йилини муваффақиятли якунладилар.

1968 йилда товар маҳсулоти реализация қилиш плани 101,4 процент адо этилди. Планга қўшимча суратда ўнлаб миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди, 1967 йил билан таққослаганда маҳсулот реализация қилиш 8,3 процент ошди.

Товар маҳсулоти реализация қилиш йиллик планини адо этишда айниқса областимиздаги йирик шаҳарлар яхши натижаларга эришдилар. Жумладан, Тошкент шаҳри саноат корхоналари товар маҳсулоти реализация қилиш йиллик планини 101,4 процент, Бекобод шаҳри — 103 процент, Оҳангарон шаҳри — 101,4 процент, Янгийўл шаҳри — 101,9 процент қилиб бажарди. Калинин райони 104,1 процент, Ўрта Чирчиқ райони 102,8 процент, Оржоникидзе райони 102,9 процент адо этиб, қувончли ютуқни қўлга киритдилар.

Халқ хўжалигида техника прогрессини юксалтиришга ёрдам берадиган саноат тармоқлари айниқса жадал ривожланди.

Бултур рангли металлургия саноат корхоналари товар маҳсулотлари реализациясини ўтган йилига нисбатан 19 процент, химия саноати 9 процент, электротехника саноати 9 процент, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати корхоналари эса 11 процент оширишга муваффақ бўлдилар.

Халқ истеъмоли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳам яхши натижаларга эришдилар. Енгил саноат корхоналари бултур 1967 йилга нисбатан 4 процент, озиқ-овқат саноати 5 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1968 йилда ўтган йилга нисбатан 6 процент ортди. Кўпгина муҳим маҳсулотларни натурал ҳолда ишлаб чиқариш планлари оширилиб бажарилди. Йиллик планга қўшимча суратда миллаб тонна пўлат ва прокат, 66 минг тонна кўмир, ўн мингдаб тонна минерал ўғит, 52 культиватор, 108 минг квадрат метр дераза ойнаси ишлаб чиқарилди.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳам ортди. 242 минг жуфт чарм пойафзал, 554 минг сўмлик мебель, 1943 тонна гўшт, 172 тонна колбаса маҳсулотлари планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилди.

Областимизда планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси бўйича умумий товар маҳсулотининг 70 процентидан кўпроғини реализация қиладиган 182 саноат корхонаси муваффақиятли ишламоқда.

Эришилган муваффақиятлар билан бирга область саноати ишида қатор камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бултур областимиз бўйича товар маҳсулотлари реализация қилиш йиллик планларини саноат корхоналарининг 15 процентга бажармади. Химия асбоб-ускуналари, компрессорлар, кучланиш трансформаторлари белгиланганидан анча кам ишлаб чиқарилди. Қурувчиларга 157 минг тонна цемент, 48 миллион дона шартли шифер плитаси, қўплаб бинокорлик ғишти ва йиғма темир-бетон етказиб берилмади.

Беш йилликнинг тўртинчи йили областимиз узра кенг қанот ёймоқда. Янги йилда область саноати корхоналари бутун куч ва ғайратларини резервларни ишга солишга, социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдиришга, беш йилликнинг тўртинчи йили топшириғини муваффақиятли адо этишга қаратмоқдалар.

## ХУШХАБАРЛАР

### КЎЗАЛАРДА ЛЕНИН СИИМОСИ

Тошкент чинни заводининг бош рассоми Ботир Собиров қўли билан чизилган турли хил расмлар чинни буюмларида ўз аксини топган.

Ботир Навоий юбилейи муносабати билан катта ишларни амалга оширди. Эндиликда эса Ленин мавзуи унинг учун асосий тема бўлиб қолди. Ҳозир бош рассом вазаларга Ленин портретини чизиш билан банд.

Корхонада доҳий юбилейи билан боғлиқ бўлган қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Тажрибали рассомлар ижодида Ленин темаси ўз аксини топмоқда.

### ЗАВОД—ВИСТАВКАГА

Тошкент шампань винолари заводи маҳсулотлари Иттифоқ ҳамда халқаро виставкаларда катта довруг таратган. Корхона маҳсулотларига барча ерларда талаб катта.

Корхона маҳсулотлари билан Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари виставкаси ҳам қизиқиб қолди. Виставка маъмурияти илтимосига биноан ҳозир корхонада янги хил шампань винолари тайёрланаяпти. Уларнинг дастлабкилари Москвага жўнатилди.

### ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Беш йилликнинг учинчи йили «Ташсельмаш» заводи рационализаторлари ва ихтирочилари учун улкан муваффақиятлар келтирди. Улар маҳсулот таннархини арзонлаштириш, сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган 487 та таклифни ишлаб чиқаришга жорий этдилар.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 137 та таклифнинг ўзи 219 тонна қора металл, 138 тонна қуйилма чўян ҳамда 17,5 минг киловатт-соат электр қувватини тежаб қолиш имконини беради.

Корхона ёш рационализаторлари ижод маҳсули бўлган учта экспонат Москвада ўтказиладиган ёшлар техника ижодий кўриги виставкасига жўнатилди.

Ҳозирги кунда заводда 250 га яқин рационализатор ижодий ишлар олиб бораётир. Улар технологик процессларни такомиллаштириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.



## В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАРКАЗИЙ МУЗЕЙДА

Москвадаги В. И. Ленин номли марказий музей шу кунларда меҳнаткашларнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бири бўлиб қолган. Улуғ доҳий туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан мамлакат бўйлаб ўтказилаётган ҳар хил туристик сафар, юриш қатнашчилари бу ерга кирмай кетмайдилар. Музей залларида доҳийнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган сон-саноқсиз экспозицияларни томошабинлар қизиқиш билан кўрадилар.

Р. Шамсуддинов фотолари. (ЎзТАГ).

## ЛЕНИН ТАҲАЛЛУСИНИ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ҚАЧОН ОЛГАН

Владимир Ильичнинг асосий тахаллуси — Ленин деган ном қачон пайдо бўлганлиги ва эндиликда планетамизда неча юз миллион кишиларга чексиз қадрли бўлиб қолган бу номни қаердан олганлиги кўпларни қизиқтиради.

Биринчи марта революцион матбуот саҳифаларида Ленин фамилияси ҳозирги аср бошларида пайдо бўлди. 1901 йилнинг январида Владимир Ильич Мюнхендан Г. В. Плехановга ёзган мактубига шундай имзо қўйган эди. Ўша йилнинг декабрида «Заря» журналида Владимир Ильичнинг Н. Ленин деб имзоланган мақоласи босиб чиқарилди. Шундан бери бу фамилия Владимир Ильичнинг асосий тахаллуси бўлиб қолади.

Владимир Ильич бу тахаллусни қаердан олган, деган масала бир неча бор кўтарилди. 1924 йилда В. И. Ленин вафот этганидан сўнг Москвада чиқадиган «Комячейка» газета редакцияси шуни тушунтириб беришни сўраб, Надежда Константиновна Крупскаяга мурожаат қилди. У редакциянинг илтимосига қуйидагича жавоб берган эди:

«Ҳурматли ўртоқлар!

Мен Владимир Ильич нима учун «Ленин» тахаллусини олганлигини билмайман. Бу ҳақда ҳеч қачон сўраган эмасман. Унинг онасини Мария Александровна дейишарди. Ўлган синглисини Ольга деб аташарди. У ўзига Ленин тахаллусини олганидан кейин Лена воқеалари бўлган.

Ленин Ленада сургунда бўлмаган.

Бир вақт Плеханов «Волгин» тахаллуси билан ёзганидек, бу тахаллус ҳам тасодифан танлаб олинмагандир эҳтимол.

Владимир Ильич тахаллусга алоҳида эътибор берган, деб ўйлайман.

Илгари у «Тулин» тахаллуси билан ҳам ёзган, «Карпов» тахаллуси билан ҳам чиққан».

Владимир Ильичнинг укаси — Димитрий Ильич Ульянов ҳам шундай тушунтириш берганди.

В. КНЯЗЕВ.
ТАСС мухбири.

# ЎЗБЕКИСТОНДА АСАЛАРИЧИЛИК

Асаларичилик — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг сердаромад тармоғи ҳисобланади. Асаларидан қимматбаҳо маҳсулот — асал ва мум олинади. Бундан, ташқари, у кўпчилик экинларни, токзорларни, шунингдек мевали дарахтларни чангловчи сифатида ҳам халқ хўжалигига катта фойда келтиради.

Асаларининг экин мевазорларни чанглантириши натижасида олинган қўшимча ҳосил асал ва мумга қараганда 10-15 баравар кўп даромад келтиради.

Асал қимматли озиқ-овқат маҳсулоти бўлиши билан бирга, бебаҳо дори-дармон ҳамдир. Ҳозирги пайтда кўплаб касалликлар, хусусан асаб, баъзи юрак касалликлари, шунингдек нафас олиш йўллари, жигар, ошқозон касалликларини даволаш учун ҳам шифокорлар асал буюрадилар.

Тоза етилган қуюқ асал касаллик қўзғатувчи микробларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, уларни ўлдиради. Шу сабабли яралланган жойлар ва терида бўладиган моддаловчи касалликлар асал суртиб даволанади.

Асаларидан олинадиган заҳар ва ари сути ҳам шифобахш хусусиятга эга. Асалари заҳари медицинада бод касаллиги, бел оғриғи ва нерв системасидаги бошқа касалликлар, шунингдек айрим хирургия касалликларини даволашда ишлатилади.

Келгусида ари сутидан доридармон сифатида янада кенг фойдаланилади. Унинг таркибида 45 процентгача оқсил, 13,55 процент мой ва 20 процентдан знёдроқ қанд-глюкоза, фруктоза, шунингдек $B_1$—$B_2$ —С ва бошқа бир қанча қимматли витаминлар мавжуд. Ари сути бактерицид хусусиятига эга. Шу туфайли у анемия, фурункулёз, артрит ва бошқа касалликларни даволаш учун жуда қўл келади. У иштаҳани очади, организмда модда алмашинувини кучайтиради. Шунингдек, у қон ҳосил бўлишини тезлаштиради ва яхшилайди.

Асаларичиликдан мум ҳам олинади. У саноат ишлаб чиқаришининг 40 дан ортиқ тармоғида, жумладан, ёғочсозлик, тери ишлаш, тўқимачилик, авиация, металлургия ва химия саноатида қўлланилади. Фармацевтика саноатида суркаладиган хилма-хил дори, малҳам, шунингдек тиш протезлари тайёрлашда мумдан кенг фойдаланилади.

«Ўзбекистон» нашриёти Николай Федорович Крахотиннинг «Ўзбекистонда асаларичилик» номли китобини нашр этди. Бу китобда Ўзбекистонда асаларичиликнинг ривожланитирилиши ва асалари онласининг биологияси ҳақида, асаларларни кўпайтириш ва боқиш, асаларизорда селекция-наслчилик ишлари олиб бориш, шунингдек аризорда мум хомашёсини қайта ишлаш йўллари баён этилган.

Ҳ. САИДАЛИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## „ЮЛҒИЧНИНГ БАҲОНАСИ"

Газетамизнинг ўтган йил 28 ноябрь сонида шундай сарлавҳа билан фельетон босилиб, унда Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз территориясида жойлашган дорихона мудири Ином Тўрахўжаевнинг ҳархил баҳоналар билан дори-дармонларга ошиқча нарх қўйиб, кишилар ҳақига ҳиёнат қилаётгани фош этилган эди.

Область дорихоналар бошқармасининг бошқарувчиси ўртоқ Х. Давлатовнинг редакцияга хабар қилишича, фельетонда келтирилган фактлар тўла тасдиқланган ва И. Тўрахўжаев ишдан бўшатилган. Фельётон областдаги дорихона ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинган.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

## МАШИНАСОЗЛАРГА ЁРДАМ

Малакали ишчи ўлчаш асбоблари билан муомала қила билиши, уларнинг метрологик кўрсаткичлари, Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган ҳозирги замон ўлчаш асбоблари, маҳсулот сифатини аниқлаш ва назорат қилиш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш усуллари билан яқиндан таниш бўлиши керак.

«Ўзбекистон» нашриёти чоп этган Э. Маъруфов ва Н. Мўминовнинг «Машинасозликда ўлчаш усули ва асбоблари» номли китоби завод ишчилари, техника-ҳунар мактаблари, технолог ва мастерлар учун мўлжалланган. У китобхонни ўлчаш асбоблари, улардан фойдаланиш тартиблари, ўлчаш асбобларнинг сўнгги тараққиёт йўллари ҳақидаги асосий маълумотлар билан таништиради.

О. ИБРОҲИМОВ.

ЯНГИЙЎЛ колбаса эксперименталь заводининг ишчи-хизматчилари йил бошиданоқ топшириқларни бир маромда бажармоқдалар. Мусобақани кун сайин кучайтириб тобора юқори унумдорликка эришмоқдалар. Суратда: мусобақа илғорларидан Шура Якубова ва Соня Якубоваларни кўриб турибсиз.

Н. Тўраев фотоси.

# МАКТАБ ЖОНКУЯРЛАРИ

Ҳозир барча мактабларда ўқитишни янги программа асосида ташкил этишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Янги программага ўтиш халқ маорифи ишини тағин ҳам ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу ишни амалга оширишда мактаб ўқитувчисининг роли жуда каттадир. У дарсларга пухта тайёргарлик кўрар экан, бу масалага илмий жиҳатдан тўғри ёндошиши керак.

Райондаги кўпгина мактабларда янги программа бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Бу соҳада дастлабки тажрибалар тўпланди.

Янги программага ўтиш муносабати билан ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам 1967—68 ўқув йилида 500 га яқин ўқитувчи ўз малакасини оширди. Шу йилнинг биринчи ярмида 400 га яқин педагог малакасини оширади ва қайта тайёргарликдан ўтади.

Райондаги 9, 26, 28, 45, 46, 37, 22-мактаблар ижобий натижаларни қўлга киритдилар. Бу мактабларда ўзлаштирмовчи ўқувчилар билан ишлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бунда мактаблар бошланғич партия ташкилотларининг роли ва иштироки катта бўлмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган мактаблар бошланғич партия ташкилотлари ўқув-тарбия ишларини яхшилаш соҳасида ибратли тадбирларни амалга оширдилар. Шу билан бирга ўқитувчиларнинг сиёсий савияларини ошириш, халқ университетларини ташкил этиш, янги тўгараклар очиш каби ишларда ҳам коммунист ўқитувчилар актив иштирок этмоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган Оржоникидзе район халқ маорифи ходимлари активи йиғилишида доклад қилган район партия комитетининг секретари ўртоқ Ш. Ғаниева ана шулар ҳақида гапирди.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар ўқув-тарбия ишларини яхшилашда бошланғич партия ташкилотларининг ролини тағин ҳам ошириш ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

30-мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Набижонов, 7-мактаб директори М. Стерин, 28-мактаб партия ташкилотининг секретари Ж. Мирахмедов, 2-мактаб-интернат илмий бўлим мудири М. Маматқулова ва бошқаларнинг чиқишлари жуда мазмунли бўлди.

Маориф ходимлари кенгашида район партия комитетининг биринчи секретари Н. Қиргизбоев, район халқ маорифи бўлимининг мудири С. Ҳасанов ўртоқлар нутқ сўзладилар.

# ТАҚДИРИН ҚЎЛ БИЛАН ЯРАТУР ОДАМ...

Бу воқеага икки ярим йилча бўлди.

Зилзиладан кейинги Тошкент яхлит қурилиш майдонига айланиб бораётган кезлар эди. Ғарб газеталарининг биридан келган мухбир зилзиладан сўнг ўзбеклар пойтахтида қилинаётган ишларни ўз кўзи билан кўрмоқчи экан, унга ҳамроҳ бўлишга тўғри келди.

Меҳмон қўлида қўш фотоаппарат, қалин гардишли қора кўзойнак тақиб олган, оғзида найдек келадиган муштукка тиқилган узун сигаретани тутатиб, «Тошкент» меҳмонхонасидан сайрга отланди.

Узоқ айландик. Русчани унча-мунча билар экан, таржимонга ҳам ҳожат йўқ эди. Мухбир шаҳар билан танишувни зилзила ўчоғида вайрон бўлган иморатларни кўришдан бошлади. Кейин Чилонзорга ўтдик. У пайтларда Чилонзорга қардош республикалардан бинокорлар янги келишган, бугун массив ҳуснини очиб турган кўркам бинолар пойдевори эндигина қурилаётган эди.

Чет эллик ҳамкасбим даставвал менга камгап, бироқ ғарбликларга хос аллақандай мағрур, кибр-ҳаволи одамдек туюлди. Бойси, бўлаётган шунча ўзгаришларни чазарга илмас, шундоқ катта қурилишлар унга барибирдай, қизиғи йўқдай эди.

Сафаримиз тугай деб қолганида унда бояги камгаплик йўколди. Ҳар нарсага қизиқувчан бўлиб қолди. «Тошкент ҳали-бери ўз ҳолига келмаса керак», деб қўйди гап орасида менга синовчан назар ташлаб. Ўз кучимиз, қардошлар, дўстлар кучи билан шаҳримиз жуда якин келажакда асли ҳолига қайтиши у ёқда турсин. Иттифоқда энг гўзал шаҳарлардан бирига айланиб қолишига барча тошкентликларнинг ишончи комил эканлигини айтдим.

Бу баҳона бўлди-ю, жаноб ўзини қизиктирган саволларни ёндириб ташлади. Гап орасида:

— Сизлар: меҳнат — бизда шон-шараф иши, меҳнатимиз — роҳатимиз, бахтимиз, деган гапларни айтишни яхши кўрасиз. Завод-фабрикаларингизда, қурилишларда ўзбек ишчилари деярли кўринмайди. Умуман, ўзбеклар деҳқончилик билан машғул. Масалан, пахта экади. Бунинг устига ўзбек техника зиёлиси шаклланмаган, шундай эмасми? — деб қолди илмоқли қилиб.

Ғарбдан келган меҳмонга мана шу даъволарига қарши етарли фактлар, рақамлар келтириш мумкин эди. Бироқ бу билан уни қаноатлантириб бўлмаслигини билардим. Шунда унга ўзим яхши билган, кўпдан таниш бўлган бир меҳнаткаш бахтиёр оила ҳақида ҳикоя қилиб бердим.

... Биз Тўлаевлар оиласи билан илгари ҳаммаҳалла эдик. Улар Ўрда даҳасида, Еттисув кўчасида туришарди. Оила бошлиғи Рўзимат ака акани танибдики, меҳнат қилади. Тошкент «Сельмаш» заводи ишга тушган биринчи кундан бошлаб, у йигирма йил мобайнида шу корхонага қатнади. Қуювчи бўлиб ишлади. Урушдан кейин узоқ йиллар «Ударник» пойафзал артелида меҳнат қилди. Оддий ишчидан артель раиси даражасига кўтарилди. Ҳозир пенсияда. Рўзимат аканинг, ўз таъбири билан айтганда, айниқса фарзандларидан омади келган Тўрт қиз, беш ўғли бор. Ҳар бир фарзанд оилага ўз бахти, риски-рўзи, истиқболи билан кириб келди.

Ҳури опа бундан анча йиллар бурун, бир куни кечки овкат тепасида эрига:

— Адаси, сиз ишдан, мен бўлсам болаларга қарашдан ортиб институтда ўқиёлмадик, — деди. — Зинхор тўсқинлик қилмайлик: улар ўқишсин, орзу-умидларимиз энди шулардан.

— Майли, хотин, ўқиёлмадик, деб ўкинма. Бир бола туғиб, вояга етказиш ҳам университетни тугатгандай гап, — ҳазилга йўйиб юпатди уни Рўзимат ака. — Ўқийдиган, олиму фозил бўладиган замон мана энди келди. Сен билан биз эпполмаган ишларни болаларимиз қилишади. Ўша кунларни кўрайлик.

Оилада билим сўқмоғидан биринчи бўлиб тўнғич қиз — Хакима юриб ўтди. У ўрта мактабни тугатиб, Тошкент медицина институтига ўқишга кирди. Врач бўлиб етишди. Ҳозир учинчи шаҳар туғруқхонасида врач-генеколог. Яқин кунларда фан кандидати деган илмий даражани олиш учун диссертация ҳимоя қилади.

Бош ўғил Ҳожимурод эса авиация техникумини битирган. Ўзбекистон трактор-йиғув заводида инженер-технолог. Умр йўлдоши Зумрад қишлоқ хўжалик институтини тугатган, илмий ходим бўлиб ишламоқда. Гулсара педтехникумни битириб, ҳозир Абдулла Набиев номли пионерлар уйида бичиш-тикиш ҳунаридан дарс бермоқда.

Султонмурод ҳам акасининг изидан борди. Тошкент темир йўл техникумини тугатгач, трактор-йиғув заводига ишга йўлланма олди. Бу ишчан йигитнинг меҳнат дафтарчасига бир назар ташласангиз, унинг меҳнат биографияси кўз олдингиздан яққол ўтади.

Дастлаб ишни слесарликдан бошлаган. Кейин контролёр, назоратчи мастер, цех бошлиғи муовини... Мана ҳозир корхонанинг энг етакчи ишлаб чиқариш участкаларидан бири ҳисобланган биринчи цехга — 350 кишилик коллективга бошлиқ. Султонмуроднинг яхши одати бор. Ўқимасдан туролмайди. Интилганга толе ёр, деганларидек, ҳамиша изланишда, малакасини ошириш учун ҳаракат қилади. Кундузи заводда меҳнат қучоғида бўлса, кечқурунлари лекция тинглайди, билимини бойитиб боради. Ишлаб туриб, кечки марксизм-ленинизм университетини, ишчи-мухбирлар университетини ҳам битириб олди.

Дарвоқе, у «Тошкент ҳақиқати» газетасининг актив ишчи мухбирларидан бири. Ҳозир ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг кечки бўлими талабаси.

Бекмурод ва Хурсаной Тошкент политехника институтини тугатишди. Ҳозир Бекмурод шу билим даргоҳида, Хурсаной бўлса, авиация техникумида муаллим. Дилмурод шу институтнинг тўртинчи, Аваз учинчи курсида ўқишмоқда. Кенжатой Шаҳноз эса ўрта мактабда, билим пиллапоясига илк қадам қўйган.

Оила бошлиқлари Рўзимат ака ва Ҳури опаларнинг орзулари рўёбга чиқди. Биргина шу оилада олий ва ўрта махсус ўқув юртини тугатганлик тўғрисида берилган еттита дипломни кўрганман. Ҳадемай улар ўнтадан ортиб кетади...

Бу катта оиланинг яхши анъанаси бор. Байрамларни, қутлуғ айёмларни биргаликда нишонлашга одатланишган. Ана шунақа кунларда «Бешқайрағоч» массивидаги Рўзимат аканинг янги қурган участкасига одам сиғмай кетади. Ўғил-келинлар, қиз-қуёвлар, невараларнинг ханда-кулгиси, табассуми хонадон файзига-файз қўшади, бахтини кўз-кўз қилади. Шунда пири бадавлат оила отасининг қувончини кўрсангиз эди. Толеидан эътикоди, замонамизга, партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик сўзларини айтиб тугатолмайди.

... Қора кўзойнакли суҳбатдошимга шулар ҳақида, энг оддий меҳнаткаш бир оиланинг бахти ҳақида гапириб бердим. У индамади. Агар хоҳласа, шу оилага меҳмонга олиб боришимни айтдим. «Бошқа вақт» деб мийиғида истар-истамас кулиб қўя қолди.

Замона зайлини қарангки, Рўзимат аканинг ўртанча ўғли Султонмурод билан яна ҳаммаҳалла бўлиб қолдик. Унинг оиласита яқинда «Марказ-15» кварталида кардошларимиз инъом этган уйдан шинам квартира беришибди.

Қўшни эмасмизми, уни тез-тез кўриб тураман, гоҳ ишга шошиб кетаётган, гоҳ қайтаётган бўлади. Яширмайман, ҳар гал кўрганимда шу оддий, меҳнаткаш, бахтиёр оиланинг бир аъзосига нисбатан юрагимда чуқур ҳурмат ва ҳавас ҳиси уйғонади.

Шунда улкан шоиримиз Ғафур Ғуломнинг ушбу фалсафий мисралари беихтиёр ёдга тушади:

Тақдирин қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.

Бизда кишиларнинг нияти йўлдоши, бахти ўз қўлида. Инсоннинг камолотга эришуви, орзуларининг рўёбга чиқмоғи учун замин бор. Бундай бахт калитини Ленин, Октябрь, партия берди, социалистик тузумимиз берди. Меҳнат қилиш, ўқиш, дам олиш, бепул даволаниш сингари қатор ҳақ-ҳуқуқларимиз бахтимиз қомуси — Катта китобда муҳрланиб қўйилган.

Мен ҳикоя қилган Тўлаевлар оиласи ана шу ҳуқуқлар сарчашмасидан баҳраманд бўлаётган бепоён Ватанимиздаги минглаб, миллионлаб бахтиёр оилаларнинг бири, холос.

Т. МИРҲОДИЕВ.

## ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

## Она-Ватан бўйлаб

Бу сурат Москва энергетика институтининг электр системалари лабораториясида олинган. Унга Ленин мукофоти лауреати техника фанлари доктори, профессор В. А. Веников раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда кучли электр системалари бирлашмаларининг иш режимлари, уларни бошқариш усуллари тадқиқ қилинмоқда. Суратда: лаборатория ходимларидан тошкентлик аспирант Дилора Аминова (чапда), инженер М. К. Печенкин ва катта илмий ходим техника фанлари кандидати Ю. П. Рижов ўртоқлар янги тажриба натижасини муҳокама қилишяпти. В. Мусаэльян фотоси. (ТАСС).

ЖИТОМИР ОБЛАСТИ. «Тетеревская» ҳайвонот фермаси турли хил юқори сифатли мўйналар тайёрлаб беришда катта роль ўйнамоқда. Кейинги олти йил мобайнида хўжалик давлатга 70 минг донадан ортиқ мўйна сотди. Фермада зоотехник Светлана Рзянина раҳбарлигида селекция ишлари олиб борилмоқда. Суратда: зоотехник-селекционер С. Рзянина.
П. Бойко фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

## ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА ФАН

### «КЎП ҚИЕФАЛИ» МАҲСУЛОТ

Латвия олимлари микроорганизмлар ёрдамида қимматли химиявий маҳсулот бўлмиш итакот кислота олдилар. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги «Микробиология саноати» павильонининг экспонатлари шу ҳақда ҳикоя қилади.

Итакон кислота яхши эрийдиган кристал парашоқдир. Унинг «кўп қиёфали» деб аталиши бежиз эмас. Ундан смола, кир ювувчи воситалар, синтетик тола ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Дориларнинг мураккаб синтез қилиш реакцияларида ҳам шу кислота ишлатилади.

Бу кислота сунъий ипак — «нитрон» ишлаб чиқаришда қўлланила бошлагандан сўнг айниқса машҳур бўлди. Моғор замбруғлари ёрдамида итакон кислота олиш янги усули ўзлаштирилишининг муҳим халқ хўжалик аҳамияти бор. Латвия ССР Фанлар академияси микробиология институтининг биохимик препаратлар экспериментал заводида мазкур химиявий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологияси вужудга келтирилди.

### ЗАРБАГА БАРДОШ БЕРАДИГАН ПЛАСТИК

Ленинградлик олимлар зарбага бардош берадиган «А. Н—ГК» маркали бир қанча пластиклар яратдилар. Янги полимер моддаларнинг иссиқликка бардош бериши ниҳоятда юқори бўлиб, Цельсия ҳисоби билан минус 40 градусдан плюс 105 градусгача температурада пишиқлик хоссасини яхши сақлайди.

СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги «Химия саноати» павильонининг консультантлари «АН—ГК» группасидан бўлган пластикларни радиоприёмник ва телевизор, телефон аппаратлари корпуслари, холодильникларнинг деталлари, ҳар турли най ўйинчоқ, маданий моллар ишлаб чиқаришга тавсия этиш мумкин, деб тушунтирмоқдалар. Экструзион машиналарда янги пластиклардан ясаладиган буюмларни ишлаб чиқариш қулай.

### НАЗАРИЯНИ МОДЕЛ ТУШУНТИРИБ БЕРАДИ

Москва энергетика институти автоматик ва телемеханика проблема лабораториясининг олимлари ажойиб «курс» ўқув лабораторияси стенди яратдилар.

Янги установка автомат бошқаришнинг энг мураккаб бўлимларидан бири — чизиқли бўлмаган автомат системалар назариясини тадқиқ этишга имкон беради. Унда олинадиган экспериментал маълумотлар назариянинг қоидаларига яхши мослашади.

СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги «Халқ маорифи» павильонининг экскурсоводлари электромеханик моделдан иборат бўлган янги лаборатория стенди билан муфассал таништирадилар.

(ТАСС мухбири).

Москва.

## ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ ОЛДИДАН

Суратда: Узбекистон ва Қорақалпоғистон санъаткорларининг бир гуруҳи.

Ҳўжабек СЕИТОВ

### ҚАЙРАҒОЧ

Чуқур илдиз отиб, болалаб кетган,
Минг баҳорни кўриб осмонга етган,
Улкан қайрағочни, дейдилар мақтаб:
Сенинг катта бобонг шу ерга эккан.
Ушбу қайрағочда сир бордай мудом:
Одам аримайди кундуз, па оқшом.
Соя берсин, дея неча асрлар,
Ўзидан ёдгорлик қолдирган бобом.
Мен ҳам ўчмас белги қолдирсам, дейман,
Шеърга одам меҳрин қондирсам дейман.
Сўзлар маржонини ғишт каби қалаб,
Бир буюк минора солдирсам дейман.

Мавлон ИКРОМОВ таржимаси.

### ЮЛДУЗ ЧАМАНИ

Сийнасида кўтармиш мени «Ёшлик» деган бир меҳмонхона.
Жилваланар юлдуз чамани, Кумуш қорлар унга парвона.
Ҳар бир чироқ — мисоли юлдуз,
Ҳар юлдузда — бир одам бахти.
Шу бахтни деб кечаю кундуз
Тиним билмас юртим пойтахти.

Наримон ОРИФЖОНОВ.

### ҲАЗИЛ

Тўлепберган МАТМУРОДОВ Қорақалпоқ шоири.

Кўзларинг эслатар тун қаросини,
Юзинг ял-ял ёнар, гулдек қирмизи.
Тогдаги булоқдек сўзинг садоси —
Жонимга роҳатдир, Қўнғирот қизи.
Қўнғиротли эй, қиз, ҳар кўрганингда
«Шоир бола» дейсан ёқимли қандай.
Шоирнинг кўнглини ё билганингдан...
«Шоир» деган сўзни севаман жондай.
Сен яхши кўрасан халқ қўшиқларин
Шоирларнинг шеъри ёдингда ҳамон.
«Шоир бола» дея айтасан нечун
Ё ёзган шеърларим эканми, ёмон?
Қанча қоғозларни қораласам ҳам,
Шоирликда бола бўлишим мумкин.
Чин шоир бўларман, шошилма эркам
«Шоир йигит» дея айтарсан бир кун.

* * *

Қўпирар тоғларнинг шошқин сойлари,
Утмоқда ёшликнинг ўтли ойлари.
Йўқотмоқда баҳор ўз чиройларин
О, менинг дилбарим сен қайлардасан?
Тошқин сув бўйида ўтирсам гоҳо,
Паришон ўйларим бўлмайди адо,
Ҳаёлимда ўзинг яшайсан танҳо
Орзули дилбарим сен қайлардасан?
Терак-ла ўйнашар ойнинг шуъласи
Уйқумни келтирмас сой ашуласи.
Менинг ҳам қайгумга шодлик улансин
Хумор кўзли жонон сен қайлардасан?
Кўнглим гулдай яшнар гулзорни кўрсам,
Гулзордан гул узиб мен сенга берсам,
Табассум-ла олиб, раҳматлар дерсан
Гулимни севган ёр сен қайлардасан?
Қанча гўзаллар бор. Не фойда бироқ
Бириси такаббур, бириси қувноқ.
Менга гап отишиб қийнар баттарроқ
Кўнглим сўраган ёр сен қайлардасан?
Одамдан-одамни билмасам фарқин,
Бўлармиди шунча юракка яқин.
Қўшиқларим дилдан сачраган чақин.
Сенинг ишқингдаман, сен қайлардасан?

Рауф ТОЛИПОВ таржималари.

Марям ҚОСИМОВА

### ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИЗЛАРИ

Аму бўйин бўйлаган,
Халқ бахтини ўйлаган,
Ҳақиқатни сўйлаган, —
Кўксида юлдузлари,
Қорақалпоқ қизлари.

Келишкан бўю бастда,
Боғ, даласи ораста,
Эрлар билан сафбаста, —
Кўксида юлдузлари,
Қорақалпоқ қизлари.

Кўп соҳада ишбоши,
Тошдай метин бардоши,
Қаҳрамонлик йўлдоши, —
Кўксида юлдузлари,
Қорақалпоқ қизлари.

Днёри бойлик кони,
«Оқ олтин» жонажони,
Партия меҳрибони, —
Кўксида юлдузлари,
Қорақалпоқ қизлари.

Коммунизм йўлида,
Ғолиб байроқ қўлида,
Боради олға-олға,
Кўксида юлдузлари,
Қорақалпоқ қизлари.

Қорақалпоқчадан
Мавлон ИКРОМОВ таржимаси.

## ЖАНГЧИ ШОИР

Улуғ Ватан уруши йилларида фронтда ўзбек тилида чиқадиган газеталарни ўқиганим ҳамон ёдимда. Яқинда қорақалпоқ шоири Обитой Турумбетовнинг фронт йилларида ёзган бир турким шеърларини яна бир ўқиб чиқдим. Шунда ўша шиддатли жанг йиллари яна кўз олдимдан кино лентасидек бирма-бир ўтди.

Бир куни шиддатли жангдан кейин ўрмон чеккасида дам олиб ўтирардик. Шунда парторг-лейтенант қўлтиғида бирдаста газета келтирди. Газеталар ичида ўзбек тилида чиққан «Ватан учун» газетасига кўзим тушди. Газетани қизиқиб олдим, ундаги материаллар билан танишиб чиқдим. Газетада жангчи шоир Обитой Турумбетовнинг «Ғарбда» деган шеърига кўзим тушди:

Мушкилларни кўрмаган киши,
Ўз юртининг биларми қадрин?
Ватанини севмаган киши,
У деб ўтга берармі бағрин.
Йиллар жангда, ўсди соч-соқол,
Кулранг шинель тешилди ўқдан,
Тиззасини тош, чангал йиртди,
Ўшанда ҳам қайтмади ўтдан.
Ким-у, келди қаердан, қачон,
Не қилмоқда Болтиқ бўйида.
Юриши тез, ҳаммадан чаққон,
Автомати маҳкам қўлида.
У гуллаган баҳор ўлкаси
Зарафшондан келган паҳлавон.
Жангчиларнинг бўлиб сараси
Фашистларни этмоқда яксон.
(«Ғарбда» шеъридан. 1943 йил.).

Шеърда шоирнинг оташ нафаси, ёвга қарши бўлган ғазаби алангаланиб турибди. Шеър бир қўлида қурол, бир қўлида қалам бўлган совет солдатининг қаҳрамонлик ҳаётини тараннум этарди. Шеърни ўқир эканман, шиддатли жанг дақиқалари кўз олдимда намоён бўлди.

Обитой Улуғ Ватан уруши йилларида Калинин фронтида ўзбек тилида чиқадиган «Душманга қарши, олға!» ва 1-нчи Болтиқбўйи фронтида чиқадиган «Ватан учун» газеталарида ҳарбий мухбир бўлиб хизмат қилди. Газетага оператив материаллар уюштириш учун қизғин жанг майдонларида бўлди, жангларда намуна кўрсатган паҳлавонларимиз ҳақида оператив хабарлар ёзди ва улар жасоратига шеърлар бағишлади.

Обитой Улуғ Ватан урушидан илгари ҳам шеърлар ёзарди. Унинг дастлабки «Қизил карвон» шеъри Самарқанддаги «Ленин йўли» газетасида 1931 йилда чиққан.

Уруш йиллари ва урушдан кейинги йилларда ҳам Обитой Турумбетовнинг бир қанча шеърлари матбуотда эълон қилинди. Ў ҳозирги вақтда Ўзбекистон Ёзувчилар союзида қорақалпоқ адабиёти бўйича консультант бўлиб ишлаб келмоқда. Ҳар куни унинг олдига ўзбек ва қорақалпоқ ҳаваскор қаламкашлар келиб туради. Обитой уларнинг илк шеърлари билан танишиб, маслаҳатлар беради.

Обитой Турумбетовни қорақалпоқ ва ўзбек китобхонлари яхши билади. Унинг 1954 йилда Қорақалпоғистон АССР Давлат нашриёти томонидан нашр этилган «Янгра овозим», 1958 йилда Тошкентда нашр этилган «Республикам» китоби, кейинги йилларда Нукус ва Тошкентда босилиб чиққан бир қанча шеърий тўпламлари шоир ижодининг гулдасталари ҳисобланади.

Обитой Турумбетов шу кунларда ҳам самарали ижод қилиб келмоқда. Унинг янги шеърлари Нукус ва Тошкент газеталарида тез-тез эълон қилиниб турибди. Яқинда Тошкентда бўладиган қардош қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги муносабати билан талантли, кекса қорақалпоқ шоири Обитой Турумбетовни муборакбод этамиз ва унга янги ижодий равнақ истаймиз.

Сиз қуйида Обитой Турумбетов ижодидан намуналар ўқийсиз.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

### ТОШКЕНТГА САЛОМ

Ўзбеклар диёрин маркази Тошкент,
Халқлар дўстлигин ўлкаси Тошкент.
Дарёга ўхшайди сенда ҳар кўча,
Ҳаракат тинмайди кундузи — кеча.
Кўркам иморатлар саф тортган чунон,
Чаманга қиёсдир ҳар бир хиёбон.
Одамлар тўлқини оқади тинмай,
Навоий тепадан қараб тургандай.
Салом деб бораман ҳайкал ёнига,
Қарайман шоирлар ҳиёбонига.
Навоий пойнга гуллар қўяман,
Кўксимга қўл қўйиб бошим эгаман.
Пурлитов аҳлидан келтирдим салом,
Орол соҳилидан келтирдим салом.
Бердаҳнинг дутори — янгроқ созидан,
Нукус кўчалари парки боғидан,
Азамат Қирқ қизнинг ботирларидан,
Ўзбекнинг ҳақиқий дўсти ёрдан
Қадрдон дўстларга салом келтирдим,
Қалбимда куйларим-илҳом келтирдим.

1969 йил.

### ЛИТВА ҚИЗИГА

Кўз ёшларинг тўкма Берутто,
Ўртама дил қайғу-мунг билан.
Сени дея келдик Берутте,
Ёвни енгиб келдик жанг билан.
Юзингни арт, атрофингга боқ,
Қўрқма, қара портлаш узоқда.
Қўрқма дилбар бу ердан узоқ
Портлаш саси, Тилзит тарафда.
Кул бўлди деб уйим ачинма,
Уйинг тиклаб берармиз яна.
Онамни олиб кетдилар дема,
Қайтар яна уйингга она.
Болтиқ бўйи, азиз юртингни
Фашистлардан қутқардик бутун.
Сарин еллар баҳорни бошлаб
Днёрингда эсмоқда бугун.

1944 йил.

Ҳўжабек СЕИТОВ

### АМУДАРЁ

Волга, Днепрдай кенг Амударё,
Қора қум, Қизил қум икки ёнида.
Қирмизи лолалар сулув қиз гўё,
Лола акси ўйнар сув жавлонида.
Помир қорларидан тўлиб оқар у,
Сувини Оролга қуяди бориб.
Самолётдан боқсам нурда балқир у
Қизил қум, Қорақум ўртасин ёриб.
Яшнаган соҳилинг «оқ олтин» кони,
Мевадан муъжиза яратгунг ёзда.
Амударё, суздим қолмай армоним,
Мавжинг ғазал тўла қалин баёздай.
Ҳумор қарайману келажагингда
Тағин ҳам ғаройиб ҳаёт кўраман.
Қалъа, овул — бари қўшилур сенда,
Яралажак боғинг кезиб юраман.
Келажак авлодининг тегиб нафаси
Ғайратимга ғайрат қўшилур тағин.
Керак эмас донг ҳам, шон дабдабаси
Қолса бас меҳнатим, яратган боғим.

Ю. ШОМАНСУРОВ таржимаси.

Янги йил арафасида Венгриянинг Озд шаҳрида марказий универсал магазинда ўйинчоқлар виставкаси очилди. Шу кунлари виставкада шаҳарнинг кўп кишилари ўзларига керак бўлган турли ўйинчоқларни сотиб олдилар. МТИ—ТАСС фотоси.




Капиталистик дунёнинг молиявий доираларида саросима ва ишончсизлик кайфияти давом этмоқда. «Олтин иситмаси» тобора кучайиб, халқаро капиталистик валюта марказларини ҳам қамраб олмоқда. Янги йил бу соҳада бирор ўзгариш келтириши қийин.

(Газетадан)

ХАВФЛИ ОҒИШ.

Вольфганг Шуберт чизган расм. «Юнге вельт» (ГДР газетасидан олинган.

(ТАСС фотохроникаси).

# Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

## АҚШ: «ЯНГИ ЙИЛ РЕКОРДЛАРИ»

ВАШИНГТОН, 13 январь. (ТАСС). Янги 1969 йил Америка пойтахтида янги «рекорд» билан бошланди. Статистика Вашингтонда 200 та таловчилик бўлганлигини, 11 киши ўлдирилганлигини, банкларга ва ҳусусий гражданларга жуда кўп ҳужумлар қилинганлигини қайд этди.

Жиноятчилик кўпайиб кетганлиги жиҳатидан Америка пойтахти фақат АҚШдагина эмас, шу билан бирга жаҳоннинг кўп мамлакатларидаги шаҳарлар орасида ҳам олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Чунончи, Лондон аҳолиси Вашингтон аҳолисидан ўн баравардан зиёдроқ кўп бўлишига қарамай, 1967 йилда АҚШ пойтахти қурол ишлатилиб қилинган жиноятларнинг сони жиҳатидан Лондонни анча орқада қолдириб кетди.

## АҚШ ЭЛЧИХОНАСИ ТЕРРИТОРИЯСИДА БОМБА ПОРТЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Боливия пойтахти — Ла-Пасда Америка элчихонаси территориясида бомба портлаб, элчи резиденциясининг дераза ойналарини синдирган. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, бомба ўтиб кетаётган автомашинадан ташланган. Маъмурлар текшириш олиб бормоқдалар.

## ЗАНЖИБАРДАГИ РЕВОЛЮЦИЯ БЕШ ЙИЛЛИГИ

ЗАНЖИБАР, 13 январь. (ТАСС мухбири И. Жирквелов хабар беради:

12 январь куни Занжибар халқи Занжибардаги революциянинг беш йиллигини тантанали равишда нишонлади. Шу революция натижасида Англия мустамлакачилигининг малайи бўлган Султон агдариб ташланган эди. Бўлиб ўтган ҳарбий парадда ва меҳнаткашлар намойишида жамоатчилик вакиллари ва дунёдаги қирқдан ортиқ мамлакатдан келган чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Социалистик қурилиш йўлини танлаб олганлигини эълон қилган Занжибар халқи беш йил мобайнида каттагина ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар қилишга эришди. Революциядан кейинги дастлабки кунлардаёқ, национализация қилинган ернинг ҳаммаси деҳқонлар қўлига берилди, давлат кооператив хўжаликлари ташкил этилди, қишлоқ хўжалиги механизациялаштирилмоқда. Саноатнинг халқ хўжалигига зарур бўлган янги тармоқлари ривожлантирилмоқда. Халққа текин умумий таълим берилмоқда, медицина хизмати кўрсатилмоқда.

Ташқи ва ички савдо давлат назоратига олинганлиги йирик хусусий мулкчиликни ва хусусий савдони тугатишга олиб келди. Социализм мамлакатларининг ёрдами ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда ва кўп йиллик мустамлака зулми оқибатларини тугатишда занжибар халқига қўл келмоқда.

Занжибар президенти Абайд Каруме кеча бўлиб ўтган кўп минг кишилик митингда нутқ сўзлаб, жумладан, озодлик ва мустақиллик қайси ирққа ва миллатга мансуб бўлишдан қатъий назар, бутун халқ учун курашиб, қўлга киритилган деб, айтди. Мустамлакачилик даври ўтиб кетди ва ҳали ҳам мустамлакачилик зулми остида турган халқлар зулмдан озод бўладиган вақт яқинлашиб қолди, деб таъкидлади президент.

У яна айтдики, Танзания ҳукумати ва халқи Родезиядаги, Ангола, Мозамбик ва Жанубий Африкадаги африкалик кўпчиликка озодлик берилишини қаттиқ тўриб талаб қилмоқда. А. Каруме ички проблемалар ҳақида гапириб, Занжибар бундан буён ҳам халқ бахт-саодати йўлидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни давом эттиравераді, деб айтди.

## «РЕФОРЖЕР-1» МАНЕВРЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

БОННН, (ТАСС). Ғарбий Германиядаги АҚШ қўшинларининг кўмондонлиги бу ердаги қуролли кучларини кўпайтирмоқда. Бу қўшинлар Чехословакия чегараси яқинидаги Графенвер полигонида 29 январдан 4 февралгача ўтказиладиган энг йирик ҳарбий намойиш—«Реформжер-1» маневрларида қатнашадилар.

Франкфурт-Майн яқинидаги Рейн-Майн Ҳарбий-ҳаво базасига мотомеханизациялашган қисмлар шахсий составини ва ҳарбий аслаҳа-анжомларни АҚШдан ташиб келтираётган жуда катта транспорт самолётлари кўнаётгани ҳолда, Мангейм, Кайзерслаутерн ва Карлсруэ районидаги ҳарбий омборлардан ҳарбий техника Чехословакия чегараларига ташиб борилмоқда. Ҳарбий техника темир йўл ва тош йўллар орқали ташилмоқда.

ДПА агентлигининг хабар беришича, маневрлар ўтказиладиган районга жами 3.200 дан кўпроқ танк, бронетранспортер ва автомашина келтирилади. Бу танк ва машиналар ҳозирги вақтда самолётларда АҚШдан Ғарбий Германияга ташиб келтирилаётган 12 минг америкалик солдат ва офицер ихтиёрига берилади.

Бундан ташқари, маневрларда 100 га яқин «Фантом» реактив қирувчи-бомбардимончи самолётлар ҳам иштирок этади. Бу самолётлар Германия Федератив Республикаси аэродромларига келтирилмоқда ва «ноаниқ муддатгача» шу ерда қолдирилади.

Америка армияси штабининг бошлиғи, Вьетнамдаги Америка қўшинларининг собиқ бош қўмондони генерал Уэстморленд маневрларга тайёргарликни текшириш учун Ғарбий Германияга келди. Уэстморленд Ханау районидаги бўлинмаларни кўздан кечирди, шунингдек полигонлардан бирини бориб кўрди. Бу ерда унга қурол-яроғларнинг хилма-хил турлари кўрсатилди.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

### ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ САФЛАРИ УСМОҚДА

ПАРИЖ, (ТАСС). Франция Коммунистик партиясининг сафлари тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Партия билетларини айирбошлаш кампанияси давомида Буш-дю-Рон департаментининг ўзида янги йилнинг бир неча куни ичида партияга 270 янги аъзо қабул қилинди ва 6 та бошлангич ташкилот тузилди, деб хабар беради «Юманите» газетаси.

### ШВЕЦИЯ ВДРНИ ТАНИДИ

СТОКГОЛЬМ, (ТАСС). Швеция ҳукумати ўзининг 10 январдаги мажлисида Вьетнам Демократик Республикасини дипломатик жиҳатдан таниш тўғрисида қарор қабул қилди.

Швеция Телеграф бюросининг хабар беришича, Швеция ташқи ишлар министри Т. Нильссон Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Нгуен Зуй Чинга телеграмма юбориб, Швеция билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатишни таклиф қилди.

### НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

БЕРЛИН, 10 январь. (ТАСС). Ғарбий Германиянинг Ганновер шаҳрида Грециядаги ҳарбий хунта диктатурасига қарши ва Ғарбий Германияда янги нацистлар хавфига қарши норозилик намойиши ўтказилди.

АДП агентлиги хабар беради: намойишчилар грек ватанпарварларининг қамоққа олинаётганлиги ва уларга азоб берилаётганлигига қарши норозилик резолюциясини топшириш учун Греция бош консульхонасига бордилар. Аммо неча юзлаб полициячилар тинч намойишга қарши чиқдилар ва намойишчиларни сурбетлик билан тарқатиб юбордилар.

# ҚИШ ҒАМИНИ ЕМАЙ...

Яқинда Тошкент область халқ контроли комитети, халқ контроли группалари томонидан қишлоқ ва шаҳарларда текшириш ўтказилди. Текширишда айрим хўжалик раҳбарларининг эътиборсизлиги билан қишга етарли тайёргарлик кўрилмаганлиги фактлари очиб ташланди.

Жойларда хўжалик раҳбарларининг бепарволиги ва айрим шахсларнинг ўзбошимчалиги оқибатида уй-жой ва маъмурий-хўжалик биноларни иситиш ёмон аҳволга тушиб қолган, аҳолини зарур озиқ-овқатлар ҳамда кўмир билан таъминлашда узилиш юз берган.

Янгийўл шаҳрида буғ қозонларининг ёмон ишлаши натижасида 38 та квартира иситилмаётир, кўпгина уйлар иситилмоқда. Чунки буғ қозонларидан чиқаётган сувнинг ҳарорат даражаси жуда паст. Бунинг устига Янгийўлдаги айрим хонадонлар батареяларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, иссиқ сув олмоқдалар. Бунинг натижасида бошқа оилалар зарар кўраётир.

Шаҳарнинг айрим мактаблари қийин аҳволда қолди. Ўқувчилар каникулга чиқиб кетганлиги сабабли мактабларга иссиқ сув бериш тўхтатиб қўйилган эди. Бунинг оқибатида кўп труба ва батареялар совуқдан ёрилиб кетди. Янгийўлдаги Ленин номли мактабда юз берган аҳвол бунга мисол бўла олади. Шунинг учун ҳам ҳозир бу мактаб ўқувчиларининг маълум қисми бошқа мактабларга бўлиб юборилди.

Халқ назоратчилари худди шундай камчиликни Бекобод шаҳрида ҳам кўрдилар. Бекободдаги Горький номли, Навоий номли мактабларда кўпгина батареялар бузилиб қолди. Шаҳардаги болалар диспансерида ҳам 8 та батарея сафдан чиқди. Тўғри, ҳозир бу ерларда шошилинч чоралар кўрилмоқда. Аммо мазкур хўжалик ва муассаса раҳбарлари вақтида қиш ғамини еганларида, давлат мулкига ўз мулкларидек муносабатда бўлганларида бундай аҳвол юз бермас эди.

## ХАЛҚ КОНТРОЛИ АМАЛДА

Қиш айниқса чорвадорлар учун жиддий синовдир. Лекин Келес массивидаги Жамбул номли совхозда қаттиқ совуқ тушиши билан чорвадорлар шошиб қолишди. Бу ерда кўпгина автомашина ва тракторлар ишламай қўйиб, чорва қишлови жойларига озуқаларни етказиб бериш қийин бўлди. Совхоз директори, партия ташкилотининг секретари ва айрим бўлим бошқарувчилари мана шу қийинчилик кунларида чорвадорларга ёрдам бериш ўрнига иккинчи даражали ишлар билан машғул бўлганлар. Совхоз директори Самарқанд шаҳрига кетиб қолган, партия ташкилотининг секретари семинарда бўлган. Айрим бўлим бошқарувчилари ишга чиқишмаган.

Шунинг учун область совхозлар трести ва «Узсельхозтехника» область бўлими молларни сақлаб қолиш юзасидан шошилинч чоралар кўришга мажбур бўлди. Совхозга автомашиналар, занжирли тракторлар жўнатилди, зарур эҳтиёт қисмлар ажратилди. Чорвадорлар ҳузурига трест мутахассислари ва район раҳбарлари чиқиб кетдилар.

Назоратчилар Бекобод шаҳрида аҳолини кўмир билан таъминлаш ёмон аҳволда эканлигини аниқладилар. Биринчи квартал давомида шаҳар бўйича 200 минг тонна кўмир олиниши керак эди. Ваҳоланки, ҳозиргача бор-йўғи 90 тонна кўмир етказиб берилди холос. 8—9 январь кунлари Бекобод шаҳри бўйича атиги бир вагон кўмир қабул қилинди.

Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарларидаги магазинларда картошка, пиёз, гўшт, гўғут сингари аҳоли эҳтиёжи учун энг зарур бўлган озиқ-овқатлар етарли даражада бўлмади. Ўрта Чирчиқ районида эса автомашиналар йўқлигидан аҳолини нон билан таъминлашда узилиш юз берди.

Қиш-қировли кунлар ҳали давом этади. Хўжалик раҳбарлари бу биринчи сабоқлардан тегишли хулосалар чиқариб олишлари, бундан буён хўжасизлик ва бепарволикка хотима беришлари керак.

Е. КИРИЛИН,
область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

# СПОРТ

### ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Наманган шаҳрида мактаб ўқувчиларининг (1953—54 йилда туғилганлар) баскетбол бўйича Бутуниттифоқ зонал мусобақалари тугади. Биринчи ўринни Украина ўсмирлари ва қизлари эгаллади. Иккинчи ўрин эса Тошкентнинг «Старт» командаси ўсмирлари ва Фарғонанинг «Меҳнат» коллективи қизларига тегди. Бу командалар март ойида бўладиган ўқувчиларнинг каникули даврида мамлакат биринчилигининг финалида қатнашадилар.

Қардош Қирғизистон пойтахтида ўтказилган ёш баскетболчилар мусобақасида ҳам Тошкент вакиллари муваффақиятга эришишди. Бу ерда 1951—52 йилда туғилган ўсмирлар кучи синашишган эди. Тошкентнинг «Буревестник» командаси финалга йўлланма берувчи иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ёш теннисчиларнинг Чирчиқ шаҳридаги зонал ўйинлари ҳам тамом бўлди. Бу ерда гарчи ҳамшаҳарларимиз сўнгги турда Олмаота вакилларига ютқазган бўлсалар ҳам (1:8) финалда қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар.

### «ЕШЛИК» МУКОФОТИ КИМГА ТЕГАРКИН?

Шу ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари пойтахтимиздаги «Ёшлик» аренасида енгил атлетика бўйича анъанавий мусобақа бўлади. Бунда кўнгилли спорт жамиятлари ва маҳкамаларининг терма командалари «Ёшлик» спорт аренасининг мукофотини олиш учун курашадилар. Бу мукофот учун учинчи марта мусобақа ўтказилади. Биринчи марта армия енгил атлетикачилари соврин эгаси бўлган эдилар. Ўтган йили эса мукофот «Меҳнат» спортчиларига текан эди. Бу сафар ким ғолиб чиқаркин?

Шунингдек, Тошкентнинг округ офицерлар уйи спорт залида ёшларнинг эркин кураш бўйича Ўзбекистон шахсий биринчилиги мусобақалари ҳам кескин кураш билан ўтиши кутилмоқда. Чунки унинг ғолиблари СССР шахсий биринчилиги учун Ереван шаҳрида бўладиган чемпионатга йўл оладилар.

Классик курашчилар эса 23—26 январда беллашадилар.



Пойтахтимиздаги шаҳарлараро марказий телефон станциясида кунду-тун телефон жиринглари эшитилиб туради. Бу ерда юзга яқин телефончи қизлар ишламоқда. Тошкент шаҳарлараро станцияси мамлакатнинг ҳамма шаҳарлари ва районлари билан алоқада бўлмоқда. Суратларда: юқорида станциянинг инженери Л. Бурцева. Пастда энг яхши телефончи қизлардан Л. Юрлова.

М. Баржанов фотолари. (ЎзТАГ).

### БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи мухбирлар университети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти 15 январь, чоршанба куни ўтказилади.

## САВДО ШОХОБЧАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Оржоникидзе район матлубот жамияти ходимлари савдо шохобчаларини кенгайтириш йўлида бирмунча ишлар қилдилар. Ўтган йили район территориясида жами бўлиб 18 та озиқ-овқат, саноат, хўжалик, қурилиш материаллари ва бошқа моллар билан савдо қиладиган магазинлар қурилиб ишга туширилди.

Район матлубот жамияти ходимлари аҳолига намунали хизмат қилиш бўйича ўтказилаётган районлараро мусобақага қўшилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зардборлари сафи тобора ортяпти.

Район матлубот жамияти бу йил ҳам бир неча янги савдо тоҳчаларни очишни мўлжаллаган. Янги йилнинг ўзида учта ана шундай магазин иш бошлади. Бунинг энг каттаси Қибрайда бўлиб, у бир неча бўлимдан иборат.

М. АБДУВОҲИДОВ.

## АЗИХ ҒОРИНИНГ СИРЛАРИ

Қадим замонларда яшаган кишиларнинг қароргоҳларидан бири — азих ғори «Азих» деб аталган ҳужжатли фильм суратга олиниган жой бўлиб қолди. Бу фильмни режиссёр М. Багиров билан оператор Ф. Қосимов суратга олган. Озарбайжоннинг жанубидаги бу ғор ер остида бир неча минг квадрат метр масофага чўзилиб кетган олтита «залдан» иборатдир.

Ғорларни кўп йиллардан буён ўрганиб келаётган археологлар ана шу ерда қадимги одам қароргоҳи бўлганлигига доир аччагина изларни топишди. Кино ҳужжатчилар ғорда бундан 300 минг йил муқаддам тош асрининг ашел даврида яшаган неандерталь одамларнинг қолдиқлари — жуда қизиқарли топилдиқлар тўғрисида ҳикоя қиладилар. То азих ғори топилгунча ўша олис даврга оид далиллар Ғарбий Европа ва Шимолий Африканинг тўртагина жойида топилган эди, холос.

Азих ғорининг топилдиқлари Кавказ энг қадимий одам шаклланган областлардан бири, деган тахминни тасдиқлади.

«Озарбайжонфильм»нинг лентали эндиликда ошкор бўлган азих ғорининг сирлари тўғрисида, ер остида ва сокин лабораторияларда ўтказилган янги тадқиқотлар тўғрисида ҳикоя қилади.

А. ГОЛЬДЕНБЕРГ
БОКУ.

Янгийўл районидаги Свердлов қишлоқ советида жойлашган ўрта мактабдаги кутубхона доимо ўқувчилар билан гавжум бўлмоқда. Бу ерда қўшни мактаблардан келган ўқувчилар, олий ўқув юртларининг талабалари, театр ва санъат ходимлари, ёзувчилар билан учрашувлар бўлиб туради. Бу учрашувларнинг қизиқарли ва сермазмун ўтишида кутубхонанинг мудири Ойпошша опа Қораеванинг хизмати каттадир.

У китоб ихлосмандларининг талабларини қондириш мақсадида ҳам самарали ишлар қилиб келяпти. Ҳар бир ўқувчи бу ерда ўзига зарур бўлган бадиий, илмий оммабоп китобларни ва дарсликларни ўз вақтида олиб туради. Суратда: кутубхона мудири О. Қораева мактаб ўқувчиларига китоб тарқатаяпти.

Б. Ғафуров фотоси.


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00—Телеянгиликлар, 18.15—Фан ишлаб чиқаришга, 18.35—Софья Перовская (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.25—Ун минут музика тингланг, 20.35—Телеянгиликлар, 20.50—Телевизион театр. Сахрода, 21.50—«Ўзбекистон меъмори» (тележурнал), 22.20 — Музикани англамоқ керак? (Музикали программа, биринчи эшитириш).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 дан—Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00—Фрунзе телевидение студиясининг кўрсатишлари.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00—Беш йиллик ҳақида ҳикоялар (ўқувчилар учун), 20.20—Рақс кечаси.

Рус тилида: 20.05—Ҳайналтарош Меркулов (илмий-оммабоп фильм), 21.25 — Татьяна Крамова (телеспектакль).

## КИНО

Сангам (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ НОМЛИ (ўзбек тилида), «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

14—15 январда

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар:

ЎзССРда хизмат кўрсатган артист

Олмахон ҲАЙИТОВА

Солистлар:

Зокиржон СУЛТОНОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА:

IX Жаҳон фестивали ва Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар ФАЁЗОВА ва бошқалар.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

1969 йил 23 январь кундуз соат 2 яримда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг тарих факультети бўйича илмий даражалар бериш илмий совет мажлисида (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, бош корпус, Г-304 аудитория) тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Комолов: «Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш учун кураши (1961-65 йиллар)» деган темада;

М. Рустамов: «Ўрта Осиёда китоб ва нашрчилик тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми—XX асрнинг биринчи чораги)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университет кутубхонасида (Куйбишев кўчаси, 10 уй) танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ 2-АВТОКОМБИНАТ БОШ КОРХОНАСИГА

бош бухгалтерлар, иқтисодчилар, 1 ва 2 класс шоферлари, 3 йиллик иш стажига эга бўлган 3 класс шоферлар, токарлар, мисгарлар, темирчилар, аккумуляторчилар, карбюраторчилар, асбобсоз-слесарлар, автослесарлар ва ускуналар ремонти бўйича слесарлар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 54-разъезд, Собир Раҳимов станцияси (18, 30, 83-автобусларнинг «54 разъезд» бекати).

«ТАШКЕНТКАБЕЛЬ» ЗАВОДИ

Чет эл ва Иттифоқда чиқарилган IV ва ундан юқори нусхадаги КАБЕЛЬ ИДИШЛАРИ (галтаклар)ни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳамма ташкилот ва корхоналардан идишларни топшириш сўралади.

Идишлар ҳар куни қабул қилинади.

Тошкент область дорихоналар бошқармаси, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда область дорихона ходимлари бошқарманинг фарма инспектори

Алижон РИЗАМУҲАМЕДОВНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.


Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Р. 01034. ИНДЕКС — 6469. Б—2164.